

Қимматли васият



07:10 / 03.07.2019 2252

Товус раҳимахуллоҳдан ривоят қилинади: «Бир замонлар ақлли, фаросатли одам бўлган экан. У кексайгач, уйда ўтириб қолибди. Бир куни ўғлига: «Мен уйда ғамга ботиб қолдим, олдимга одамларни олиб келсанг, бир суҳбатлашиб, ёзилсам», дебди. Ўғли бориб, бир неча кишини тўплаб, шундай дебди: «Отамнинг олдига кириб, у билан суҳбатлашинглар. Агар ундан ёмон нарса эшитсангиз, айбга буюрманглар, чунки у қариб қолган. Яхши нарса эшитсангиз, қабул қилинглар». Одамлар отасининг ҳузурига кирганларида чолнинг биринчи айтган сўзи шу бўлибди: «Энг гўзал ва зийрак киши тақводор кишидир. Ўта кетган ожиз киши эса фисқу фужур қилувчи кишидир. Уйланадиган бўлсангиз, тоза маъданга уйланинг. Фожирлик қилаётган кишини кўрсангиз, ундан эҳтиёт бўлинг, чунки унинг бошқа бир неча шериклари (фисқу фужур гуноҳлари) бўлади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан